



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛГАН ЖИНОЯТЛАРДА ЖИНОЯТЧИ ШАХСНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Тохиров Фарход

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети кафедра профессори, ю.ф.д.
<https://doi.org/10.5281/zenodo.7332969>

ARTICLE INFO

Received: 08th November 2022
Accepted: 16th November 2022
Online: 18th November 2022

KEY WORDS

Жиноят, жиноятчи шахси, вояга етмаган, криминология, жиноятчи типи.

ABSTRACT

Мақолада вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган жиноятларда вояга етмаган шахс алоҳида субъект жиҳатидан ўрганилган. Вояга етмаган шахсларнинг жиноятчи шахс сифатида ўзига хос жиҳатлари криминологик таҳлиллар орқали ёритиб берилган, жиноят содир этган вояга етмаганлар шахсини типларга ажратишда бир қатор услубий қоидалар ва усуллар таҳлил этилган.

Жамиятимиз ва давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ва қатор бошқа соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлардан кўзланган бирламчи мақсад - ҳар бир фуқаро учун нормал яшаш шароитларини яратиш, давлат хавфсизлигини таъминлаш ва муҳофаза қилиш, шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш ва таъминлашдан иборатдир. Бу ўринда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза қилиш ва таъминлаш устувор аҳамият касб этади. Шу боис давлатимиз мустақилликни қўлга киритган илк кунлариданоқ, ёшларнинг ҳар томонлама ривожланишига, инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисмини ташкил этувчи бола ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ташкилий-ҳуқуқий тадбирлар амалга оширилмоқда, мамлакатимизда ёшларга оид қатор дастурлар ҳаётга

татбиқ этилмоқда. Уларнинг асосий мақсади – баркамол авлодни тарбиялашдан иборат. Зеро, муҳтарам Президентимиз ёшлар билан учрашувда “Ёшлар билан ишлаш Президентдан тортиб вазиргача, ҳокимдан тортиб маҳалла раисигача – ҳаммамизнинг энг асосий ишимизга айланиши зарур. Бундан буён барча даражадаги раҳбарлар фаолиятига ёшлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларини бартараф этиш юзасидан амалга оширган ишларига қараб баҳо берилади. Фурсатдан фойдаланиб, яна бир бор такрорлайман. Ёшлар тарбияси билан, уларнинг муаммоларини ечиш билан бугун шуғулланмасак, эртага кеч бўлади. Бу, аввало, ёш авлодимизга нисбатан хиёнат бўлади”[1], дея жон куйдириб таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, вояга етмаганлар деб, 2008 йил 8 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси



Қонуни[2]нинг 3-моддасига мувофиқ, ўн саккиз ёшга тўлгунга (вояга етгунча) қадар бўлган шахс тушунилади. Шу боис, бизнингча, вояга етмаган шахслар, деганда Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилик ҳужжатларида белгиланган қоидаларга асосан, 18 ёшга тўлмаган шахслар тушунилиши лозим. Айрим ҳуқуқшунос олимларнинг фикрича, вояга етмаган шахс деганда, жиноят содир этгунга қадар 16 ёшга тўлган, аммо 18 ёшга тўлмаган шахс тушунилади[3].

Бошқа шунга ўхшаш фикрлар ҳам бор, масалан, жиноят содир этгунга қадар 14 ёшга тўлган, лекин 18 ёшга тўлмаган, мажбурлов чоралари қўлланилган ҳолда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиниши мумкин бўлган шахслар вояга етмаган шахслар ҳисобланади[4].

Вояга етмаганлар – бу Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи ўн саккиз ёшга тўлмаган жисмоний шахслар бўлиб, улар ёшига кўра, муомалага лаёқатсиз ёки қисман лаёқатли бўлиши мумкин[5].

Ўзбекистон Республикаси Жиноят қонунчилигида вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ аниқ ҳуқуқий норма мавжуд эмас. Жиноят-ҳуқуқий адабиётларда эса бу борада кўпгина фикрлар билдирилган. Масалан, айрим ҳуқуқшунос олимлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси “Атамаларнинг ҳуқуқий маъноси” номли саккизинчи бўлимига вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини киритиш зарурлигини эътироф этишади[6].

Бизнингча, вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақомини жиноят қонунчилигига киритиш мақсадга мувофиқ эмас. Чунки, биринчидан,

вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми юқорида кўрсатиб ўтилган қонун ҳужжатларида белгиланган[7]. Иккинчидан, бу Қонун нафақат жиноят-ҳуқуқий муносабатларда, балки барча ижтимоий-ҳуқуқий муносабатларда вояга етмаган шахснинг ҳуқуқий мақоми бир хил эканлигидан далолат беради.

Ш.Бердиевнинг фикрича, Жиноят кодексида вояга етмаган шахслар билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш концепциясининг икки хил тенденцияси (ёндашуви) мавжуд:

а) вояга етмаганлар жиноят объекти ҳисобланиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини жиний тажовузлардан ҳимоя қилиш назарда тутилган, бунда вояга етмаган моддий ва маънавий зарар кўрган жабрланувчи шахс сифатида ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ифодаланган.

б) жиноят содир этган вояга етмаган шахс жиноят таркибининг зарурий элементи – жиноят субъекти сифатида ифодаланади[8].

Ш.Бердиевнинг бу фикрига қўшилган ҳолда, тадқиқот иши доирасида вояга етмаган шахслар айнан жиноят объекти сифатида ўрганилади, бироқ уларнинг ғайриижтимоий, ғайриқонуний ҳатти-ҳаракатларини ҳам имкон қадар ёритишга уриниб кўрамыз.

Вояга етмаган шахснинг жиноятчи шахси бўлиши ҳам, уларнинг ғайриижтимоий ҳатти-ҳаракатларга жалб қилганлик учун жавобгарлик ҳам вояга етмаган шахслар билан боғлиқ жиноятлар билан боғлиқдир.

Мазкур жиноятларнинг олдини олиш ва вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши курашда муҳим аҳамият касб этади, чунки жиноят



қонунчилигида мазкур ижтимоий хавфли қилмиш учун жавобгарликнинг белгиланиши вояга етмаган шахсларнинг баркамол шахс сифатида улғайиши, уларнинг ҳар томонлама етук комил инсон бўлиб шаклланиши учун шароит яратади[9].

Бундан ташқари, вояга етмаган шахсларнинг жиноятчи шахсига айланиши ва уларни турли ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш натижасида вояга етмаганлар томонидан нафақат ғайриижтимоий, ахлоқ-одоб қоидаларига зид ҳаракатлар содир этилади, балки улар томонидан жиноят қонуни нормаларида белгиланган бошқа ижтимоий хавфли қилмишлар содир этилиши мумкин.

Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги жиноятнинг сифат кўрсаткичи бўлиб, сифат кўрсаткичлари орқали жиноятларнинг қайси бири оғир ёки қайси бири енгилроқ эканлигини ҳал қилиб бўлмайди. Бу муаммо жиноятнинг миқдор кўрсаткичи орқали, яъни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб таснифлаш орқали ҳал қилинади. А.В.Корнеева жиноятнинг миқдор кўрсаткичларини аниқлашда унинг ижтимоий хавфлилик даражасини белгилловчи мезонлар, яъни бир қатор омиллар аниқланиши керак, бундай омилларга: етказилган зарарнинг оғирлиги, тажовузнинг ўзига хос хусусиятлари (жиноятнинг охирига етказилган ёки етказилмаганлиги, бир киши ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, ёки иштирокчиликда содир этилганлиги, жиноят содир қилиш усули ва ҳоказолар), айбнинг хусусияти, жиноят субъектининг ўзига хос хусусиятлари ва

ҳоказолар ҳисобга олинади[10], деб ёзади.

Дарҳақиқат, вояга етмаган жиноятчи шахси бу аввало жиноятнинг субъектидир. Жиноят субъекти – ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонун билан белгиланган ёшга етган ақли расо жисмоний шахс тушунилади. Жиноят субъекти жиноят таркибининг ажралмас қисмидир. Бошқача қилиб айтганда, жиноят содир қилган шахс бўлмаса, ўз-ўзидан жиноят ҳам бўлмайди. Жиноят субъекти ва унинг белгилари Жиноят кодекси Умумий қисми 4-боби «Жавобгарликка тортилиши лозим бўлган шахслар»да тўлиқ мустаҳкамлаб кўрсатилган. Бу белгиларни жиноят умумий субъектига тегишли белгилар деб, номлаш қабул қилинган[11].

Бундан ташқари, вояга етмаган жиноятчи шахсининг жиноят-ҳуқуқий белгиларига содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик (оғирлик) даражаси; муқаддам судланганлиги; умумий ёки махсус рецидивнинг мавжудлиги; айбнинг шакли; жиноий тажовузнинг йўналиши; тажовузнинг бир киши ёки гуруҳ томонидан содир этилганлиги; жиноят хулқ-атворнинг мотиви; жиноят содир этилишидаги ўрни ва роли; бир нечта бир хилдаги жиноятларни содир этиши[12] киради.

Аммо вояга етмаган жиноятчи шахсига криминологик ва психологик тавсиф бериш учун жиноят субъектининг жиноят-ҳуқуқий белгилари етарли эмас. Бу белгилар фақат жиноят содир этган шахснинг мавжудлигини ва ижтимоий-хавфли қилмишининг даражасини эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади, холос. Албатта, вояга етмаган жиноятчи шахсига криминологик



тавсиф беришда унинг ижтимоий-демографик белгилари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаган жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик белгиларига: ёши, жинси, маълумоти, ўқиши ёки ўқимаслиги, ишлаши ёки ишламаслиги, оила қурган ёки қурмаганлиги (ажрашганлик), илгари судланганлар; ИИОда профилактик ҳисобда турганлар; тўлиқсиз (отаси ёки онасининг бирини йўқлиги) ёки ажрашган оилада, ижарада, шаҳар ёки қишлоқда яшаши ва ҳ.к. киради.

Вояга етмаган жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик белгилари жиноятчи шахсининг жамиятда тутган ўрнини, оилавий ва ижтимоий ҳолати, вояга етмаган шахсда жиноий хулқ-атворнинг шаклланишига олиб келган омилларга аниқлик киритиш ва олдини олишга доир чора-тадбирларни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Вояга етмаганлар шахси шахсининг алоҳида махсус ижтимоий типи сифатида ажратишга асос бўладиган тавсифга эга эканлиги масаласи анчагина баҳсли муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Айрим муаллифлар жиноятчи шахс сифатида бошқа кишилардан фарқ қилади, деб ҳисобласалар, бошқалари жиноят содир этиш пайтида, шахсининг вазият билан ўзига хос алоқадорлигига ҳавола қиладилар ва жиноятчи шахсининг шахси барқарор ва ҳуқуқий бўлган бошқа кишилар шахсидан фарқ қилувчи алоҳида белгиларга эга эмас, деб ҳисоблайдилар.

Ҳозирги замон бизнинг криминологик адабиётларда жиноий хулқ ва унинг сабабларини биологиялаштириш кескин қораланган[13]. “Жиноятчининг

шахси атамаси билан иш кўрмоқ жиноят содир қилган кишининг шахсини ижтимоий эканлигини тушунмоқдир, чунки шахсининг ўзи ижтимоий-маданий ва руҳий-биологик алоқалар таъсирининг маҳсулидир”. “Бор бутунича ўзининг ижтимоий сифатлари йиғиндиси билан турли ижтимоий фаолият турлари таъсирида шаклланган инсондир”.

Вояга етмаганларнинг жиноий хулқини этнологик ўрганиш юзасидан олиб борилган тадқиқотлар натижалари шундай хулосага олиб келмоқдаки, вояга етмаганлар жиноятчилигини ҳозирги даврда олдини олишда эътибор, энг аввало, ўсмирлар томонидан жиноий жазоланадиган ҳуқуқ бузишларнинг содир этиши мумкинлигининг олдини олишга қаратилиши керак. Жиноят учун жазолашга мажбур бўлгандан кўра, унинг олдини олиш учун барча чорани кўрган афзалроқдир.

Жиноят содир этган вояга етмаганлар шахсини типларга ажратишда бир қатор услубий қоидалар ва усулларни эътиборга олиш керак бўлади.

Биринчдан, энг аввало, муайян типнинг табиати ҳақида гапирилади. Чунки, киши шахсининг ижтимоий эканлиги, жараён ва тавсифлар билан боғлиқлиги ҳақида гап кетади.

Иккинчидан, шахсининг типи криминологик нуқтаи назардан аҳамиятли бўлади, бунда одамлар шахсининг тавсифида ифодаланадиган нисбатан турғун фактлар билан эмас, балки жиноий хулқда ифодаланган хусусиятларга қараб типларга ажратиш ҳақида гап боради. Бундай типларга ажратиш имконияти муҳит билан алоқадорликда олингандагина мумкин



бўлади. Шунинг учун ҳам жиноят содир қилган кишиларнинг шахси бошқа кишилар шахси билан бир хил бўла олмайди ва жиноят содир қилган кишиларнинг шахси, юқорида айтилган типларга қараб, бир-биридан фарқ қилади. Шунингдек, жиноятчиларни типларга ажратишнинг юқорида айтилган усуллари барча жиноят содир этган шахсларни қамраб ололмайди, чунки тасодифан жиноят содир қилиб қўйганлар ҳам бўлади ва жиноятчилар шахсини тадқиқ қилган олимлар буларни алоҳида тип сифатида ажратади. Бундай шахслар кўпроқ вазият тақозоси туфайли жиноят қилиб куядилар. Масалан, зарурий мудофаа чегарасидан четга чиқиб жиноят содир этиш ва ҳоказолар. Бундай шахслар юз берган вазият туфайлигина жиноят содир этадилар.

Шунга кўра, криминоген шахс тушунчаси муайян шароитда жиноят содир этиш эҳтимоли бўлган шахслар типини бошқа ижтимоий типдаги шахслар билан солиштиришда ифодаланган жиноятчи шахсининг ижтимоий типини аниқлашдан бошқа нарса эмас. Демак, жиноятчиларни типларга ажратиш фақат ижтимоий муҳит билан боғлиқ ҳолда амалга оширилади ва муайян типдаги жиноятчилар гуруҳига ажратиш фақат шахс жиноят содир этгандан кейингина қилинади ва шахс жиноятчи деб ҳисобланади. Киши шахсини криминоген деб ҳисоблаш, энг аввало, у яшаётган ижтимоий муҳитни соғломлаштириш, унинг атрофидагилар билан алоқаларини яхшилаш, шахсга муайян ижтимоий ёрдам кўрсатиш, шахсининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини чекланмаган миқдорда

кучайтириш, жиноятчилар билан тарбиявий ҳамда профилактика ишларини олиб бориш учун зарурдир. Жазо қўллаш содир этилган қилмишнинг характерига мос бўлиши керак.

Учинчидан, жиноят содир этган шахс содир этган жинояти орқали ўзидаги криминоген хусусиятлар типини турли даражада намоён этади;

Тўртинчидан, бунда жиноятчи шахсининг ёки унинг фаолиятининг кенг маънода олганда, ривожланишининг ижтимоий вазиятга боғлиқ ёки боғлиқ эмаслигидан қатъи назар, жиноий хулқ билан боғлиқ бўлган хусусияти назарда тутилади. Барча кишилар учун умумий бўлган сифатларга кўра, улардаги алоҳида криминоген хусусиятларнинг аҳамиятидан қатъи назар, умуман индивидларни фақат жиноят содир қилган шахслар контингенти доирасида гуруҳларга бўлиш ҳақида гапирилади. Криминоген хусусиятга эга бўлган киши шахсининг жиноятчи бўлмаган киши шахсидан фарқининг моҳияти шундаки, энг аввало, жиноий қилмишнинг жиноятчи онги билан қамраб олинганлиги, яъни онгининг мазмуни билан белгиланади. Аммо киши шахси бошқа муҳим махсус хусусиятларга эга бўлиши ҳам мумкин.

Бешинчидан, вояга етмаганлар шахсининг криминоген хусусиятлари умуман олганда, ундаги криминология учун ахамиятли бўлган комплекс равишдаги хусусиятлари алоҳида турдаги бир бутун хусусиятдир деб қаралади. Одамлар хулқий фаолияти охир оқибатда уларнинг барча шахсий характеристикасининг натижаси, шахсининг бор бутунича ифодаланувчиси ҳисобланади. Агар биз



жиноятчи шахсида унинг ўзигагина хос бўлган хусусиятларнинг ўзигагина мавжуд десак, катта хато қилган бўламиз. Жиноятчи шахси ҳақида гап кетар экан, унинг шахсининг комплекс равишдаги ўзгариши, таъсирланиши (деформацияси) ҳақида гапирилади ва бу комплексда ундаги ҳар бир сифат муайян даражада ривожланади ҳамда бир-бири билан алоқада бўлади. Лекин барибир уларнинг мазмунини белгиловчиси, энг аввало, онг ҳисобланади.

Умуман олганда, тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича, турли контингентдаги жиноятлар ичида криминоген типдаги шахсларда қуйидаги белгилар йиғиндиси орқали фарқларни ажратиш мумкин. Шахснинг ҳуқуққа ва ахлоққа зид бўлган шароитнинг фаол таъсири ҳамда носоғлом оиладаги ҳуқуққа ва ахлоққа хилоф омиллар йиғиндиси таъсири остида шаклланиши ва ҳоказо.

Турли кўринишдаги ахлоққа хилоф қилмишлар ва ҳуқуқ бузишлар тизимининг мавжудлиги, хатто шундай қилмишлар учун давлатнинг ижтимоий, меъёрий тизимида назарда тутилган чоралар қўлланилгандан кейин ҳам такроран давом этилганлиги, биринчидан, интенсив равишдаги ижобий таъсир қилиш (фактик ёки руҳий жихатдан) манбаларининг (яхши ўқув ва меҳнат жамоаларида жамоатчилик ташкилотлари ва ҳоказоларнинг) ижобий таъсиридан маҳрум бўлади, иккинчидан, ўзига ўзгача тавсифли ва қарашлари бир хил бўлган шахсларнинг турли қарашлари ва хулқларини, қисқаси, бошқалардаги шахсий хусусиятларни ўзларида ҳам сингдира борганлар.

Олтинчидан, ижтимоий қарашлари ва ролидаги ижтимоий деформацияланганлар.

Киши шахсининг жиноят содир этиш пайтида фаоллашуви одатда бунга асосли важлар бўлмасдан туриб жиноят содир этиш, жабрланувчининг ғайри қонуни ҳаракатлари ва ҳоказолар киради. Муаммовий ва низоли вазиятлар кўпинча шахснинг муайян субъектив равишда қарор қабул қилишининг хусусиятига, ўзича баҳолашига объектив ҳолатларни эътиборга олмасдан қабул қиладиган шахслар тоифасидан эканлигига боғлиқдир.

Юқорида айтилган хулқий тавсиф умумий хусусиятдаги тавсиф бўлиб, криминоген хусусиятдаги барча кишилар шахсини қамраб ололмайди. Аммо жиноятчиликнинг олдини олиш, жазолаш ҳуқуқ бузувчиларни ахлоқан тузатишнинг ижтимоий тизими жиноятчилар шахсининг у ёки бу гуруҳга киришини эътиборга олган ҳолла ташкил этилиши керак. Одатда бундай ўзига хослик асосан иккита белгисига қараб эътиборга олинади. Булар киши шахсининг криминоген деформацияланиш даражаси ва бундай бўзилиш (деформация)нинг хусусиятига қараб, биринчи галда эътиборга олиниши керак бўлган комплекс равишдаги мезонларни солиштириш асосида турларга ажратишдир. Бунда тадқиқ этилаётган микромуҳитнинг тавсифи, ўтган давр мобайнидаги хулқ, шундай хулқнинг жиноий хулқ билан алоқадорлигининг ўзига хос хусусиятлари, онг мазмунининг ўзига хос хусусиятлари эътиборга олинади. Бунинг натижасида қасддан жиноят содир қилган ўсмирлар



учта типга ажратилади. Бўлар: муттасил криминоген шахслар; вазиятли криминоген шахслар; вазият тақозоси туфайли жиноят содир қилганлар.

Кўпчилик вояга етмаганларнинг шахси аралаш хусусиятли типга мансуб бўлади, айниқса, узоқ вақт мобайнида вояга етмаган криминоген муҳитда яшаган ёки жиноятчи элементлар билан алоқада бўлиб келган бўлса, ана шундай шахслар гуруҳига мансуб бўлиб қолади. Хулоса қиладиган бўлсак, Марказий Осиё худудида қадим-қадимдан ўзбек оилаларида бола тарбиясига ва унинг одоб-ахлоқига, комил инсон бўлиб ўсишига катта эътибор қаратилганлиги жиноятларнинг олдини олишда муҳим омил ҳисобланган. Айниқса, Шарқ мутафаккирларининг илмий меросида оила, ота-она ва бола муносабатлари ҳамда бу муносабатларнинг бола шахсининг шаклланишига таъсир этиш муаммоси муҳим ўрин эгаллаган. Жумладан Исмоил ал Бухорийнинг «Ал-жомиъ ас-саҳиҳ» ҳадислар тўпламида келтирилган ҳадислардан бирида ота-онанинг фарзандга муносабати ҳақида

шундай дейилади: «Тангридан кўрқинглар ва фарзандларингизга бир хил меҳрда бўлинглар!» Ушбу ҳадисда оилада ота-она фарзандларига бўлган муносабатда адолатли бўлиши ва уларнинг кўнгли ўксимаслиги, шунингдек, ота-онанинг илиқ муносабатидан қониқмаслик туйғусининг пайдо бўлмаслиги, ака-ука, опасингиллар орасида низо ва жанжалларнинг олдини олиш мақсадида, уларга бир хил муносабатда бўлиш зарурлиги баён этилади. Шундай экан, фарзандга ёшлиқдан берилган тўғри тарбия, унинг келажақда яхши хулқли, комил инсон бўлиб етишини таъминлайди ва ўз навбатида, жамиятга фойда келтиради. «Фарзандни йўлга солувчи устоз, энг аввало, ота билан онадир. Ота-она фарзанди яхши фазилат соҳиби бўлиши учун уни мудом эзгулик руҳида тарбияламоғи лозим. Яхши фарзанд-яхши хотирадир, яхши хотира қолдириш», деб бежиз таъкидламаган нақшбандийлик тариқати шайхларидан Махдуми Аъзам (1463/64–1542).

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 26 декабрдаги Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқи // <https://uza.uz/posts/197662>
2. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.04.2021 й., 03/21/683/0375-сон; 18.05.2022 й., 03/22/770/0424-сон
3. Вояга етмаганларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги (ўқув қўлланма). Муаллифлар жамоаси. –Тошкент.: ТДЮИ, 2008. –Б. 69.
4. Юридическая энциклопедия. Тихомирова Л.В, Тихомиров М.Ю. Изд-5. М – 2002. – С.546
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига шарҳ. Масъул муҳаррир А.А.Азизхўжаев. – Тошкент.: ТДЮИ нашриёти, 2008. – Б.148.
6. Ниёзова С.С., Абдуқодиров Ш. Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш жиноятининг ижтимоий хавфлилиги. Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. –Б. 167.



7. 2008 йил 8 январда қабул қилинган “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни.
 8. Бердиев Ш. Вояга етмаганлар ҳуқуқлари. Ҳуқушунос – Юрист, 2008, №3. –Б.14.
 9. С.Ниязова, А.Таджибаева. Объективные признаки вовлечения несовершеннолетнего в антисоциальное поведение. Научно-практический журнал. “Заметки ученого”. 2019. – №8. – С. 99-104.
 10. Корнеева А.В. Понятие и признаки преступления. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть.- М; “Юристь”, 2001, - С. 152.
 11. М.Х. Рустамбаев. Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексига шарҳ (Қайта ишланган ва тшлдирилган иккинчи нашр. 2021 йил 1 ноябргача бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар билан) умумий қисм / М.Рустамбаев. – Тошкент: «Yuridik adabiyotlar publish», 2016. -608 бет. Б. 130.
 12. Ўзбекистон Республикаси Олий Суд Пленумининг «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарори (<https://lex.uz/docs/1455976>).
- Карпец И.И. Современные проблемы уголовного права и криминологии. – М., 2016. – С. 31